

617.8
M220

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ
НЕВРОЛОГИЯ, НЕЙРОХИРУРГИЯ ВА
ТРАВМАТОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

НЕЙРОХИРУРГИЯ КУРСИ



**ФУНКЦИОНАЛ ВА АСАБ
ФАОЛИЯТИНИ ТИКЛАШ ҲАМДА
ОНЕЙРОХИРУРГИЯДА
ОҒРИҚЛИ СИНДРОМ**

Ўқув-услубий тавсиянома



САМАРҚАНД 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

НЕВРОЛОГИЯ, НЕЙРОХИРУРГИЯ ВА ТРАВМАТОЛОГИЯ
КАФЕДРАСИ



«КАФЕДРА «Г.А. ДИҚЛАЙМАН»

СамМИ МИУК раиси


доп. Юлдашев Б.А.

«23» октябр 2015 й

ФУНКЦИОНАЛ ВА АСАБ ФАОЛИЯТИНИ ТИКЛАШ
ҲАМДА НЕЙРОХИРУРГИЯДА ОҒРИҚЛИ СИНДРОМ

Медицина олий ўқув юргларидаги юқори курс студентлари, магистратура
резидентлари ва клиник ординаторлар учун ўқув-услубий тавсиянома

Самарқанд 2016



ТУЗУВЧИЛАР:

Мамадалиев А.М. - СамМИ нейрохирургия курси мудир, т.ф.д., профессор.

Шодиев А.Ш. – СамМИ нейрохирургия курси доценти, т.ф.д.

Норкулов Н.У. – ассистент

Набиев А.А.– ассистент

Юлдашев Р.Ю. – ассистент, т.ф.н.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Ўринбаев П.Ў. –СамМИ неврология, нейрохирургия ва травматология кафедраси профессори, т.ф.д.

Абдуллаев С.А. - Педиатрия факультетининг Хирургия кафедраси профессори, т.ф.д.

Ўқув-услугий тавсиянома Самарқанд Давлат медицина институтини Марказий илмий-услугий кенгашида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

2015 йил « 23» октябр, баённома № 2

Ўқув-услугий тавсиянома Самарқанд Давлат медицина институтини Илмий кенгаши йиғилишида тасдиқланди.

2015 йил « 28» октябр, баённома № 2

Илмий Кенгаши котиби:



Давлатов С.С.

Аннотация. Функционал нейрохирургик операцияларнинг асосий принципи МНСнинг бузилган фаолиятини нормаллаштириш, патологик импульсларнинг йўллари узиш ёки патологик импульсларни тормозловчи структурасини стимуляция қилиш, яъни бу патологик жараёни замонавий даволаш усуллари ургатиш. Бунинг учун тавсиянинг охирида тестлар, вазиятли масалалар ва амалий машғулотлар келтирилган.

Машғулотнинг давомийлиги – 6 соат

Машғулотнинг хронологияси

№	Машғулот босқичлари	Ўтказилиш жойи	Вақт
1.	Эрталабки врачлар конференциясида қатнашиш	Курс конференц – зали	40 мин
2.	Таъкилий тадбирлар	Ўқув хонаси	10 мин
3.	Студентларнинг мавзуга оид билимини текшириш	Ўқув хонаси	30 мин
4.	Беморлар курацияси	Палаталар, боғлов хонаси	60 мин
5.	Курация қилинган беморларни муҳокама қилиш	Ўқув хонаси	40 мин
6.	Машғулот мавзусини муҳокама қилиш	Ўқув хонаси	60 мин
7.	Ўзлаштирилган материални назорат қилиш	Ўқув хонаси	30 мин
8.	Талабалар билимини тест назоратидан ўтказиш	Ўқув хонаси	20 мин
9.	Вазиятли масалалар ва амалий кўникмаларни ечиш	Ўқув хонаси	40 мин
10.	Навбатдаги машғулот ҳақида тушунча бериш	Ўқув хонаси	10 мин

Машғулотнинг мақсади - медицина институти талабалари, магистратура резидентлари ва клиник ординаторларга функционал ва асаб тизими фаолиятини тикланиш ва нейрохирургик касалликларда

учрайдиган оғрикли синдромларнинг теоритик ва амалий масалаларини кўрсатиб бериш.

Амалий ишни бажариш услуби

Студентларнинг кўриб чиқиладиган мавзуга ва ҳар қандай бошқа мавзуга боғлиқ беморлар билан мулоқот қилиш алгоритми (коммуникатив кўникмалар):

1. Беморлар билан саломлашиш ва ўзини таништириш.
2. Студентларнинг юзида самимий жилмайиш бўлиши беморлар билан ўзаро мулоқотнинг ишончли бўлишини таъминлайди.
3. Студент беморга яхши муомалада бўлиб, ўзининг нима учун келганлигини ва суҳбатнинг қанча давом этишини маълум қилиб, пациентнинг ушбу суҳбатга розилигини олиши зарур.
4. Агар бемор стационарга энди қабул қилинган бўлса, унинг қариндошлари билан қисқа суҳбат ўтказиб, даволовчи врач билан биргаликда пациентга қўйилган бирламчи диагноз, госпитализациянинг мақсади, келажакда режалаштириладиган текшириш усуллари ҳақида маълумот бериши лозим.
5. Ушбу касалликнинг диагностикаси учун ўтказилиши керак бўлган физикавий текшириш усулларида олдин пациентга қандай текшириш усули ўтказилиши, текшириш давомида кузатилиши мумкин бўлган ёқимсиз ҳолатлар ҳақида маълумот бериш ва бу текширишни ўтказиш учун бемордан розилик олиш керак.
6. Текшириш учун беморни бошқа жойга (рентген-кабинет, МРТ ёки МСКТ текшириш) транспортровка қилишдан олдин беморни огоҳлантириш зарур.
7. Текширишга тайёрланиш (ушбу патологияда ўтказилувчи клинко-неврологик текширишга) – қўлларни иссиқ сувда ювиш, қўлқоп кийиш.
8. Режалаштирилган у ёки бу текшириш ва даволаш манипуляциясини ўтказиш.
9. Даволовчи врач билан биргаликда беморга қулай усулда ўтказилган текширишларнинг натижасини қисқа тушунтириш керак.
10. Беморларнинг қариндошларини ҳам суҳбатга жалб қилиш ва улар учун қулай шаклда ўтказилган текшириш усулининг натижасини (агар олдин ҳам текширилган бўлса, аввалги натижалар

билан таққослаб) тушунтириш лозим ва суҳбат охирида уларга тушунарли бўлганлигини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

11. Даволовчи врач (доимий талаб этилади!) иштирокида курация қилинаётган беморга бу касалликда оператив даволашнинг ўтказилиши мақсадга мувофиқлигини исботлаш.

12. Бемор ва қариндошларини хирургик даволашдан сўнг фақат даволовчи врач иштирокида операциянинг натижаси ва келиб чиқиши мумкин бўлган операциядан кейинги ҳар хил кўринишдаги эрга ёки кечки асоратлар ҳақида хабардор қилиш керак.

13. Операциядан кейинги даврда беморларни текширишда пациентга гигиеник процедураларни тўғри бажарилиши тартибини тушунтириш лозим.

14. Беморга илтимос оҳангида мурожаат қилиб операция жароҳагини боғлов қилиш жараёнида иштирок этиш учун розилик олиш зарур.

15. Даволовчи врач билан биргаликда беморга, талаб этилган вақтда беморнинг яқин қариндошларига ўтказилган ва ўтказилиши режалаштирилган манипуляциялар ва кейинги даволаш тактикаси тўғрисида тушунча бериш лозим.

16. Суҳбатни доимо беморга тезда тузалиб кетиши ҳақидаги тилакни билдириб якунлаш мақсадга мувофиқ.

Студент қўйидагиларни билиши керак:

1. Марказий нерв системаси (МНС) анатомио-топографик ва физиологик хусусиятларини.

2. Функционал ва асаб тизими фаолиятини тиклаш ҳамда нейрохирургиядан оғриқли синдромларни этиологияси, патогенезини.

3. Нейрохирургиядаги оғриқли синдромни клиник кечишини ва диагностикасини.

4. Оғриқ синдром вақтида қўлланиладиган жарроҳлик усулига бўлган кўрсатма, қарши кўрсатмаларни.

5. Оғриқли синдромда қўлланиладиган асосий жарроҳлик даволаш усулларини.

6. Операциядан олдинги ва операциядан кейин кузатиладиган асоратларни, профилактикаси ва даволаш усулларини. Операциядан кейинги вақтда касалларни парвариш қилишни.

7. Функционал ва асаб тизими фаолиятини тиклаш ҳамда оғриқли синдром билан оператив даволанган беморларни, ишга яроқсизлигини аниқлаш принципларини ва бемор реабилитациясини.

Студент қуйидагиларни бажари олиши керак:

1. Нейрохирургик оғриқли синдром билан беморлар анамнезини йиғиб олиш.

2. Нейрохирургик оғриқли синдром билан беморларни тўлиқ текширишдан ўтказиш.

3. Лаборатор ва инструментал текширишлар ўтказиш ва таҳлил қилиш, дастлабки диагнозни аниқлаш ва беморни олиб бориш тактикасини ҳамда мутахассислар иштирокида комплекс текширувдан ўтказиш.

4. Клиник диагнозни исботлаш ва шакллантиришни, шовилинч ёки режани хирургик даволаш учун тайёргарликни.

5. Нейрохирургик оғриқли синдромда хирургик даволашга бўлган кўрсатма ва қарши кўрсатмани аниқлаш, операциядан олдинги тайёргарликни тўғри таълаб, оғриқсизлантириш турини белгилай билиш, оператив усулларни ва унинг ҳажминини аниқлашни.

6. Беморлар курацияси давомида тиббиёт ҳужжатларини тўғри олиб бориш.

7. Мавзу бўйича дарслик ва илмий адабиётлардан фойдаланиб профессионал маҳоратни ошириш.

**ФУНКЦИОНАЛ ВА АСАБ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ
ТИКЛАШ ҲАМДА НЕЙРОХИРУРГИЯДА ОҒРИҚЛИ
СИНДРОМ**

Функционал нейрохирургик операцияларнинг асосий мақсади МНС бузилган фаолиятини нормаллаштириш ёки патологик импульсларнинг йўлларини узиш ёки патологик импульсларни гормозловчи структуралари стимуляция қилиш.

Функционал нейрохирургия фанини асосида хирургик даволаниш ётади ва буларга қуйидагилар киради:

- Мажбурий ҳаракатлар (гиперкинез) ва мушаклар тонусини бузилиши Паркинсон касаллиги, торсион дистония ва бошқалар.
- Сурункали оғриқлар.

Аниотация. Функционал нейрохирургик операцияларинг асосий принципи МНСнинг бузилган фаолиятини нормаллаштириш, патологик импульсларнинг йўларини узиш ёки патологик импульсларни тормозловчи структурасини стимуляция қилиш, яъни бу патологик жараённи замонавий даволаш усулларини ўргатиш. Бунинг учун тавсиянинг охирида тестлар, вазиятли масалалар ва амалий машғулотлар келтирилган.

Машғулотнинг давомийлиги – 6 соат

Машғулотнинг хронологияси

№	Машғулот босқичлари	Ўтказилиш жойи	Вақт
1.	Эрталабки врачлар конференциясида қатнашиш	Курс конференц – зали	40 мин
2.	Ташкилий тадбирлар	Ўқув хонаси	10 мин
3.	Студентларнинг мавзуга оид билимини текшириш	Ўқув хонаси	30 мин
4.	Беморлар курацияси	Палаталар, боғлов хонаси	60 мин
5.	Курация қилинган беморларни муҳокама қилиш	Ўқув хонаси	40 мин
6.	Машғулот мавзусини муҳокама қилиш	Ўқув хонаси	60 мин
7.	Ўзлаштирилган материални назорат қилиш	Ўқув хонаси	30 мин
8.	Талабалар билимини тест назоратидан ўтказиш	Ўқув хонаси	20 мин
9.	Вазиятли масалалар ва амалий кўникмаларни ечиш	Ўқув хонаси	40 мин
10.	Навбатдаги машғулот ҳақида тушунча бериш	Ўқув хонаси	10 мин

Машғулотнинг мақсади - медицина институти талабалари, магистратура резидентлари ва клиник ординаторларга функционал ва асаб тизими фаолиятини тиклаиш ва нейрохирургик касалликларда

учрайдиган оғрикли синдромларнинг теоритик ва амалий масалаларини кўрсатиб бериш.

Амалий ишни бажариш услуби

Студентларнинг кўриб чиқиладиган мавзуга ва ҳар қандай бошқа мавзуга боғлиқ беморлар билан мулоқот қилиш алгоритми (коммуникатив кўникмалар):

1. Беморлар билан саломлашниш ва ўзини таништириш.
2. Студентларнинг юзида самимий жилмайиш бўлиши беморлар билан ўзаро мулоқотнинг ишончли бўлишини таъминлайди.
3. Студент беморга яхши муомалада бўлиб, ўзининг нима учун келганлигини ва суҳбатнинг қанча давом этишини маълум қилиб, пациентнинг ушбу суҳбатга розилигини олиши зарур.
4. Агар бемор стационарга энди қабул қилинган бўлса, унинг қариндошлари билан қисқа суҳбат ўтказиб, даволовчи врач билан биргаликда пациентга қўйилган бирламчи диагноз, госпитализациянинг мақсади, келажақда режалантириладиган текшириш усуллари ҳақида маълумот бериши лозим.
5. Ушбу касалликнинг диагностикаси учун ўтказилиши керак бўлган физикавий текшириш усулларидан олдин пациентга қандай текшириш усули ўтказилиши, текшириш давомида кузатилиши мумкин бўлган ёқимсиз ҳолатлар ҳақида маълумот бериш ва бу текширишни ўтказиш учун бемордан розилик олиш керак.
6. Текшириш учун беморни бошқа жойга (рентген-кабинет, МРТ ёки МСКТ текшириш) транспортировка қилишдан олдин беморни огоҳлантириш зарур.
7. Текширишга тайёрланиш (ушбу патологияда ўтказилувчи клинко-неврологик текширишга) – кўлларни иссиқ сувда ювиш, қўлқоп кийиш.
8. Режалаштирилган у ёки бу текшириш ва даволаш манипуляциясини ўтказиш.
9. Даволовчи врач билан биргаликда беморга қулай усулда ўтказилган текширишларнинг натижасини қисқа тушунтириш керак.
10. Беморларнинг қариндошларини ҳам суҳбатга жалб қилиш ва улар учун қулай шаклда ўтказилган текшириш усулининг натижасини (агар олдин ҳам текширилган бўлса, аввалги натижалар

билан таққослаб) тушунтириш лозим ва суҳбат охирида уларга тушунарли бўлганлигини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

11. Даволовчи врач (доимий талаб этилади!) иштирокида курация қилинаётган беморга бу касалликда оператив даволашнинг ўтказилиши мақсадга мувофиқлигини исботлаш.

12. Бемор ва қариндошларини хирургик даволашдан сўнг фақат даволовчи врач иштирокида операциянинг натижаси ва келиб чиқиши мумкин бўлган операциядан кейинги ҳар хил кўринишдаги эрта ёки кечки асоратлар ҳақида хабардор қилиш керак.

13. Операциядан кейинги даврда беморларни текширишда пациентга гигиеник процедураларни тўғри бажарилиши тартибини тушунтириш лозим.

14. Беморга илтимос оҳангида мурожаат қилиб операция жароҳатини боғлов қилиш жараёнида иштирок этиш учун розилик олиш зарур.

15. Даволовчи врач билан биргаликда беморга, талаб этилган вақтда беморнинг яқин қариндошларига ўтказилган ва ўтказилиши режалаштирилган манипуляциялар ва кейинги даволаш тактикаси тўғрисида тушунча бериш лозим.

16. Суҳбатни доимо беморга тезда тузалиб кетиши ҳақидаги тилакни билдириб якунлаш мақсадга мувофиқ.

Студент қуйидагиларни билиши керак:

1. Марказий нерв системаси (МНС) анатомо-топографик ва физиологик хусусиятларини.

2. Функционал ва асаб тизими фаолиятини тиклаш ҳамда нейрохирургиядан оғриқли синдромларни этиологияси, патогенезини.

3. Нейрохирургиядаги оғриқли синдромни клиник кечишини ва диагностикасини.

4. Оғриқ синдром вақтида қўлланиладиган жаррохлик усулига бўлган кўрсатма, қарши кўрсатмаларни.

5. Оғриқли синдромда қўлланиладиган асосий жаррохлик даволаш усулларини.

6. Операциядан олдинги ва операциядан кейин кузатиладиган асоратларни, профилактикаси ва даволаш усулларини. Операциядан кейинги вақтда касалларни парвариш қилишни.

7. Функционал ва асаб тизими фаолиятини тиклаш ҳамда оғриқли синдром билан оператив даволанган беморларни, ишга яроксизлигини аниқлаш принципларини ва бемор реабилитациясини.

Студент қуйидагиларни базисра олиши керак:

1. Нейрохирургик оғриқли синдром билан беморлар анамнезини йиға билиш.

2. Нейрохирургик оғриқли синдром билан беморларни тўлиқ текширишдан ўтказиш.

3. Лаборатор ва инструментал текширишлар ўтказиш ва таҳлил қилиш, дастлабки диагнозни аниқлаш ва беморни олиб бориш тактикасини ҳамда мутахассислар иштирокида комплекс текширувдан ўтказиш.

4. Клиник диагнозни исботлаш ва шакллантиришни, шошилиш ёки режали хирургик даволаш учун тайёргарликни.

5. Нейрохирургик оғриқли синдромда хирургик даволашга бўлган кўрсатма ва қарши кўрсатмани аниқлаш, операциядан олдинги тайёргарликни тўғри танлаб, оғриқсизлантириш турини белгилай билиш, оператив усулларни ва унинг ҳажмини аниқлашни.

6. Беморлар курацияси давомида тиббиёт хужжатларини тўғри олиб бориш.

7. Мавзу бўйича дарслик ва илмий адабиётлардан фойдаланиб профессионал маҳоратни ошириш.

ФУНКЦИОНАЛ ВА АСАБ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИ ТИКЛАШ ҲАМДА НЕЙРОХИРУРГИЯДА ОҒРИҚЛИ СИНДРОМ

Функционал нейрохирургик операцияларнинг асосий мақсади МНС бузилган фаолиятини нормаллаштириш ёки патологик импульсларнинг йўлларини узиш ёки патологик импульсларни тормозловчи структуралари стимуляция қилиш.

Функционал нейрохирургия фанини асосида хирургик даволаниш ётади ва буларга қуйидагилар киради:

- Мажбурий ҳаракатлар (гиперкинез) ва мушаклар тонусини бузилиши Паркинсон касаллиги, торсион дистония ва бошқалар.
- Сурункали оғриқлар.

- Эпилепсия

Функционал нейрохирургияни асосини стереотоксик нейрохирургия ташкил қилади. 1947 йил Spigel ва Wykis Паркинсон касаллиги бўлган беморни оқиш шар медиал таначасини локал ва дозалаштирилган деструкция учун қўллаган мосламани ишлатганлиги официал равишда функционал нейрохирургиянинг бошланиш санаси ҳисобланади. **Расм 1.**

Функционал оператив даволаш усуллари қуйидаги ҳолатларда бажарилиши мумкин:

- Микрохирургик техника қўллаш билан “очик” усулда (орқа селектив ризотомия, DREZ – операцияси, васкуляр декомпрессия қилиш, амигдело-гипокампотомия).

- Стереотоксик техника қўллаш билан “ёпиқ” усулда (таламус, оқ шар мияча ядролари, стереотоксик деструкция қилиш, пўстлок ости структуралар сўрилган стимуляция қилиш учун электродлар имплантацияси қилиш).

- Пункцион усуллар (орқа мия ва унинг илдизларини сурункали электростимуляция қилиш учун электродларни эпидурал электродлари имплантация қилиш, биологик актив моддаларни юбориш учун эпидурал бўшлиққа системалар имплантация қилиш).

Функционал нейрохирургия усуллари икки гуруҳга бўлинади яъни: бузувчи ва стимулловчи тарихий жиҳатдан биринчи бўлиб оғриқли синдромларни, экстрапирамид бузилишлар ва эпилепсиянинг оғир шаклларда қўлланилувчи деструктив усуллардан фойдаланилган.

1940-1960 йилларда тремор ва торсион дистониялар экстрапирамид шакларини бўлган беморларда деструктив стереотоксик усуллар кенг қўлланилган. Ушбу усулларнинг асосий мақсади тўқималарни герметик деструкцияга олиб келувчи махсус конюля учини мия орқа нуктасига – мўлжалга юбориш. Ушбу усулда конюля учи кирган соҳа бир неча миллиметр радиусда тўқималарни парчаланиши таъминланади. Одатда экстрапирамидал бузилишларда мўлжал бўлиб қўрув дўмбоғи ядролари ва оқ шар бўлиб ҳисобланади. Мўлжалга аниқ тушиш учун стереотоксик технологиялардан фойдаланилади. Беморнинг бошига махсус стандарт нукталарда стереотоксик қурилма ўрнатилган. **Расм. 2. (а,б)**

КТ ва МРТларнинг пайдо бўлиши билан стерсотоксик усулларининг аниқлилиги ошди асоратлар сони камайди.

Стереотоксик аппаратлар аниқроқ ва ишлатиш учун қулайроқ бўлди. Бирок деструктив стереотоксик операцияларнинг функционал натижалари старли даражада кониқиш ҳосил қилмаганлиги учун электронейростимуляция усулини пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Электронейростимуляция бу одатда тери остида жойлашган импульслар генератор таъминлаш манбаи бўлган мўлжал – электродларни структураларга юбориш назарда тутилади. Максимал самарани таъминлаш мақсадида ташқи программалаштирувчи қурилма импульслар характеристикасини ўзгартиришга имконият яратади. Бош миёна структураларига стимуловчи электродларни ўрнатиш стереотоксик оператив усуллар ёрдамида амалга оширилади. Функционал нейрохирургия усулларига бундан ташқари МНС орқа соҳаларига керак бўлган дори препаратларини етказиб борувчи махсус программалаштирилган помполарни ўрнатиш ҳам киради.

Стереотоксик нейрохирургия (юнонча stereos – ҳажмли ва taxis – жойлашув, ҳаракат) – махсус қурилмалар қўллаш билан рентгенологик ҳамда функционал назорат билан бош ёки орқа миёнанинг олдиндан белгиланган чуқур жойлашган структураларга юқори аниқлик билан даволани мақсадида каниюля (электрод) киритишни ҳаракат (приём) ва ҳисоб-китоблар йиғиндиси 1947 йилда Spiegel ва Wycis биринчи бўлиб паркинсон билан касалланган беморга ўзлари ишлаб чиққан қурилмани қўллаш билан оқиш шарнини медиал аъзчасининг локал ва дозалашган деструкцияси қилиш йўли билан даволашга асос солган ҳамда шу сана функционал нейрохирургиянинг яратилиш санаси ҳисобланади.

Бугунги кунда турли конструкцияларга эга бўлган кўпгина стереотоксик аппаратлар ва қурилмалар ишлаб чиқилган:

1) Аниқ белгиланган ҳолатда махсус фиксаторлар ёрдамида қалла суягига фиксациялановчи мураккаб конструкцияли қурилма;

2) Треспублион ойнага қаттиқ фиксацияловчи кичик ўлчамдаги энгилаштирилган конструкцияли қурилмалар;

3) Тўғри бурчакли ва экваториал турдаги модификациялашган стереотоксик аппаратлар;

4) Миёна қутиси ичи нуқталарини (“нишонлар”) модификациялашган компьютерли рентген ва магнит-резонанс томографиялар билан стереотоксик аппарат координатлар тузишда ҳисоблаш;

5) Бош мия структураларини ва оддндан белгиланган нуқта – “нишон”лар уч ўлчамли тасвирда визуализация қилиш имкониятини берувчи КТ, МР-томограф, махсус маркер ва шуруплар билан жихозланиб навигацион ишчи станция билан қўшилган стереотоксик навигацион тизим. *Расм. 3.*

1) Минимал инвазив оператив хирургик муолажалар – юмшоқ тўқималарни тежамкор кичик ўлчамда кесиш кичик ўлчамдаги трепанация, бош мияга минимал жароҳат етказиш;

2) Бош мияга функционал муҳим тузилмаларига зарар етказмаслик, бош мия қон томирларига беҳосдан зарар етказишни олдини олиш;

3) Уч ўлчамли тасвирда оптимал интраоперацион тонографо-анатомик баҳолаш (ориентация қилиш) бош мияда патологик ўчоқнинг аниқ ва ишонarli аниқлашига имконият яратади;

4) Авваллари стандарт нейрохирургияга бориш имконияти бўлмаган патологик ўчоқларга (ўсмалар, АВМ, кисталар, ёт жисмлар) бориш имкониятини яратади.

Стереотоксик операцияларнинг қўллаши ва кўрсатмалар:

1) Биопсия.

- Чуқур жойлашган интрацеребрал ўсмалар;
- Кичик ўлчамдаги бир неча ўсма ҳосилалари;
- Очик усулдаги наркоз остидаги биопсияга тиббий қарши кўрсатма бўлганда;

2) Катетр ўрнатиш.

- Чуқур жойлашган тузилмаларни (коллоид киста, абсцесслар) дренажлаш;
- Ўсма ичи химиотерапияси учун катетр қўйиш;
- Ўсма ичи радиотерапияси (интерстицион брахитерапия) учун катетр ўрнатиш.

3) Электродлар ўрнатиш.

- Эпилепсияни даволаш учун электродлар;
- Оғриқли синдроми бўлган беморларни бош миянинг чуқур структураларини стимуляция қилиш учун чуқур электродлар.

4) Деструктив операциялар.

- Ҳаракат бузилишларини даволаш: паркинсонизм, торсион дистония, гемиболлизм, болалар бош мия фалажлиги;
- Оғриқли синдромларни деструктив даволаш;

- Эпилепсияни даволаш (эпилепсия туфайли деструктив операциялар ҳозирги вақтда амалиётда кам ўтказилади).
- 5) Мия ичига кон қуйилишларини эвакуация қилиш.
 - Даставвал тромболитик (урокиназани) юбориш билан.
- 6) Стереотоксик радиохирургия.
- 7) Шикастланиш ўчоги жойлашувини аниқлаб кейинчалик аниқ краниотомиа.
 - Қоринча туридаги катетр қўллаш билан;
 - Биопсия игналари “қўр усулда” ёки ўтказиш қўллаш билан.
- 8) Экспериментал ва нотрадицион муолажалари.
 - Аневризмаларнинг стереотоксик клиплаш;
 - Стереотоксик лазер хирургияси;
 - Паркинсонизмда нейотрансплантация;
 - Ёт жисмларни олиб ташлаш.

Стереотоксик операцияларнинг босқичлари

1) Бемор бошига стереотоксик қурилма рамосини ўрнатиш ёки бошни конструкция турига қараб стереотоксик қурилмага фиксация қилиш.

2) Мўлжал участканинг мия ичи координатларини аниқлаш; учун компьютер ёки магнит-резонанс томография ўтказиш.

3) Участка координатларини стереотоксик қурилма координат системаси билан қиёслаш, ҳисоб-китоб ўтказиш ва ушбу маълумотларни қуриманинг йўналтирувчи мосламасига киритиш.

4) Бош мия пўстлогининг функционал муҳим зоналаридан ташқарида пармали тешиқ ўрнатиш.

5) Авваллари мўлжалланган мақсадга деструкция қурилмаси ёки стимуляция учун электродни киритиш.

6) Керакли участкага тўғри тушганлигини рентгенологик ёки электрофизиологик назорат қилиш.

7) Узок муддатли мия ичи электродлари ёрдамида режалаштирилган участканинг деструкциясини ўтказиш (электродеструкция, юқори частотали коагуляция, криодеструкция) ёки электростимуляция қилиш. Охириги босқич амалга оширилгандан кейин канюляни олиб жароҳат қаватма-қават тикилади.

Асаб тизими фаолиятини тиклаш

Асаб тизими фаолиятини тиклаш – бу марказий ва периферик нерв системалар шикастланишлар оқибатларини тиклаш ёки бузилган ёки йўқотилган фаолиятларни яхшилашга йўналтирилган (хирургик) жаррохлик усуллари комплекси усуллари комплекси.

Патологик жараённинг турига кўра функционал нейрохирургик аралашувлар нерв илдизларда, орқа миyanинг орқа шоҳларида ўтказувчи йўлларида, бош миya устунни ўзакларида, бош миya ва миyча пўстлоқ ости ҳамда пўстлоқ структураларида ўтказилади.

Функционал нейрохирургик аралашувларда бир-биридан узок масофада жойлашган структураларга таъсир қилиш ҳамда керакли самарага эришиш учун стимуляция билан деструкцияни қўшиб олиб бориш мумкин.

Асаб тизими фаолиятини тиклаш нейрохирургиянинг асосий (принциплари) тамойиллари:

1) Жароҳатлар, касалликлар ва оператив аралашувлар оқибатларини бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирлар.

2) Бу оқибатларни бартараф қилиш учун шундай оператив аралашувлар бажариладики, бу эса тиклантирувчи нейрохирургларнинг неврологик, нейрохирургик, реобитологик мутахассислардан ажратишга имконият яратади. Муолажалар ўтказиш вақтида медикаментоз ва физиотерапевтик муолажаларини қўллаш инкор этилмайди.

3) Нафақат нейрохирургик балки реконструктив ортопедик операциялар (миотомия, тенономия, миопластиклар) қўлланилади.

Асаб тизими фаолиятини тиклаш нейрохирургик операциялар куйидагиларга бўлинади:

1. Деструктив – миya структураларининг стереотоксик деструкцияси (хемордеструкция, термодеструкция, криодеструкция, анодди электролизис).

2. Нодеструктив – церебрал ёки спинал структураларига имплантация қилинган электродлар ёрдамида марказий электростимуляция ҳамда церебрал ёки спинал структураларга хемотродларни имплантация қилиб бу орқали даволаш мақсадида

нерв структураларига дозали ва узок муддатга тиббиёт препаратларини юбориш.

3. Реконструктив – невротизацияси, реконструктив кон томир операциялари мушак ва тоғайларнинг транспозияси.

ОГРИҚ ХИРУРГИЯСИ

Нейрохирургияга мурожаат қилувчи беморларда энг кўп учрайдиган симптом бу огриқдир. Огриқнинг хусусияти касалликка боғлиқ: ушбу огриқларнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Ўткир бошланиши;
- доимий ёки қайталанувчи характер;
- давомийлиги;
- огриқнинг локализацияси;
- огриқнинг сифат характеристикаси;
- огриқнинг камайтирувчи ёки кучайтирувчи омиллари.

Огриқли синдромнинг учта асосий клиник гуруҳлари бор:

1. Яхши сифатли аниқ огриқ.
2. Яхши сифатли ноаниқ огриқ.
3. Рак касаллигида бўладиган огриқ.

Яхши сифатли аниқ огриқли синдромлар. Кўпгина огриқ синдромлари маълум даражада яхши сифатли патологик асосга эга неврологик ва нейрохирургик амалиётда кўп учрайдиган огриқли синдромлар қуйидагилар:

- Бош огриғи – мия қутиси ичи босимини ошиши оқибатида, мия пардалари рецепторларини қўзғалиши, мигренлар, энса нервининг невралгияси.
- Юздаги огриқлар – уч шохли нервнинг невралгияси оқибатида, чакка-пасти жағ бўғимининг шикастланиши ва синуситлар оқибатида.
- Қўллардаги огриқлар – бўйин умуртқалари орасидаги дискларнинг пролапси туфайли нерв илдизларининг босилиши оқибатида, билак туннел синдроми.
- Танадаги огриқлар – ўраб олувчи учуқларда, ўсмаларда, умуртқа ногонасининг кўкрак қисмидан чиқувчи нерв илдизларнинг яллиғланиши ёки босилиши оқибатида.

- Оёқдаги оғриқлар — орқа мия каналининг стенози ёки ишиалгия оқибатида.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларнинг этиология ва патогенези деярли аниқ бўлгани учун уни даволаш қийинчилик туғдирмайди. Бошқа неврология амалиётидаги яхши сифатли оғриқларнинг этиологияси етарли даражада аниқланмади, шунинг учун бу ҳолатларни бўлғусида даволашни мукамаллаштиришни талаб қилади. Бу биринчи навбатда каузалгия (рефлектор симпатик дистрофия) ва қўл-оёқлардаги фантомли оғриқлар иккала оғриқли синдромлари сезги нервларининг зарарланиши оқибатида юзага келади.

Рефлектор симпатик дистрофия синдроми

Рефлектор симпатик дистрофия нервлар шикастланишидан кейин юзага келадиган синдром бўлиб, бунда нерв шикастланиши кучсиз бўлиб ҳатто бемор травма тафсилотини эслай олмаслиги мумкин. Синдромнинг сабаби яхши ўрганилмаган бўлиб, симпатик нерв системасининг муътадил фаолият юритиши билан боғлиқ. Синдром нервнинг енгил зарарланиш туфайли юзага келиб, бироқ симптомлар нервларнинг оғир даражадаги зарарланишдан бўлиб буни каузалгия деб аталади.

Рефлектор симпатик дистрофиянинг диагностик мезони бўлиб оғриқ ҳисобланиб, бу оғриқ нерв шикастланиши оқибатида юзага келади:

- Симпатик нерв системасининг патологик фаолияти белгилари.
- Шиш.
- Ҳаракат фаолиятини бузилиши.
- Тўқима ўсишини бузилиши (дистрофия, атрофия).

Рефлектор симпатик дистрофиянинг клиник намоён бўлиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Оғриқ — доимий, кўпинча куйдирувчи, нерв ёки нервлар иннервация зонасидан ташқарида тарқалиши. Оғриқ жисмоний ва эмоционал қўзғалинларда кучаяди ва оғриқ қўл панжа ва оёқ панжа соҳаларида жойлашиб ҳамда қўл ва оёқларга тарқалиши мумкин.
- Тери қопламасини ўзгариши. Тери қопламаси юпкалашиб, қуруқлашиб, пўст ташлай бошлайди. Қўл оёқларида иссиқ ёки

совуқни сезиш хислати пайдо бўлиши мумкин, тер ажралиши кучаяди.

- Шиш – кўпинча яраланиш билан кўшилиб келади, диффуз характерга эга бўлиб, оғриқ соҳасида локализацияланади.
- Ҳаракат фаолиятини бузилиши – оғриқ туфайли кўл-оёқларида тежамкор ҳаракатларнинг бузилиши оқибатида, рефлексор симпатик дистрофия туфайли мушакларнинг қисқаришни пасайиши.

Дастлаб оғриқ шикастланган нерв соҳасида жойлашиб вақт ўтиши билан бош участкаларга тарқалади. Рентгенологик локал остеопороз характерлидир. Нервнинг шикастланиш натижасида симпатик нерв системасининг патологик фаолиятининг юзага келиш механизми ҳам охиригача ўрганилмаган. Рефлексор симпатик дистрофияни тасдиқловчи битта ҳам лаборатор текшириш усули мавжуд эмас. Диагнозни тасдиқлашда синовли симпатик блокада, ҳамда даволаш чора-тадбирлари самарадорлиги муҳим аҳамиятга эга.

ДАВОЛАШ

Оғриқли синдромни даволашда симпатик нерв системаси томонидан куйидагилар қўлланилади:

– ДДТ ва тери орқали нервнинг электик стимуляциялани. Ностероид яллиғланишга қарши дори препаратлари, антидепрессантлар, тутқаноққа қарши воситалар (карбамазепин) ва оддий анальгетикларни қўллаш самарали даво чораси ҳисобланади. Асоратларни юзага келиш хавфи юқорилиги ва биринчи навбатда дори препаратига толерантлик ва элга нисбатан боғлиқ ривожланишни ҳисобга олиб опиоид анальгетикларни қўллаш тавсия этилмайди.

– Симпатик блокадалар кўпинча доимий соғайиш ёки қисман оғриқларнинг камайишини таъминловчи терапевтик самарага эга. Симпатик блокадалардан самара бўлмаганда радикал симпатэктомия қилиш тавсия этилади.

Кўл-оёқлардаги фантом оғриқ. Кўл оёқлардаги фантом оғриқ бу ампутация қилинган кўл-оёқларда оғриқ ҳиссиётини сезиш. Кўл-оёқларини ампутация қилинган барча одамлар фантом ҳиссиётини ўздан ўтказишади, лекин фақат айримларида фантом кўл-оёқларида кучли оғриқ сезишади. Фантом оғриқни кўл-оёқлари куроғидаги

огриқдан ажратиш керак, ammo айрим ҳолатларда бу огриқлар қўшилиб келиши мумкин. Фантом огриқларнинг юзага келиш сабаби ҳам охиригача ўрганилмаган. Фантом огриқлар ампутациядан кейин бирданига ривожланиш ёки бир неча йиллардан сўнг пайдо бўлиши мумкин. Фантом огриқ орқа миyaning орқа шохи нейронларининг дифференцияси билан боғлиқ бироқ рухий омил ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фантом огриқ бўлган беморларни даволаш ўзига хос мураккабликка эга. Ушбу беморларни синчиклаб клиник текшириш, психологик омилларни ва бемор агрофидаги омилларни тўғри баҳолаш муҳимдир. Бу беморларни даволашда кўпгина усуллар жумладан ДДТ, анальгетиклар, антидепрессантлар, кичик транквилизаторлар, тутқаноққа қарши препаратлар гипнотерапия ва психотерапия қўлланилади.

Хордотомия, дорсаль ризотомия, симпатэктомия сингари нейрохирургик муолажаларнинг самараси паст. Орқа нерв илдизлари чиқиш зонаси деструкция қилиш операцияси маълум даражада самарага эга. Ушбу операциянинг мохияти шундан иборатки бунда дорсаль нерв илдизи толаларини орқа миёга кириш зонаси деструкция қилинади.

Калла миё нервларининг невралгияси. Калла миё нервларининг невралгиясини патогенезида ўзига хос томони бўлгани учун сурункали огриқли синдромлар ичида муҳим мавқега эга. Калла миё нервининг невралгияси юзага келиши учун нерв илдизини бош миё ўзагига кириш зонасида демиелинизация ўчоғининг шаклланиши зарурдир. Сизги рецепторларининг кўзғалиши оқибатида демиелинизация ўчоғидаги кўзғалишни қўшни толаларга тарқалишига олиб келиб нерв иннервация зонасида жуда кучли санчувчи огриқларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бу патологик кўзғалиш жараёни эпилепсиядаги жараён билан катта ўхшашликка эга бўлиб иккала жараёнларнинг даволаш асосини тутқаноққа қарши дори воситалари ташкил қилади.

Уч шоҳли нервнинг невралгияси. Ушбу касаллик билан касалланиш бир йилда ҳар 100 минг аҳолидан 4 та касалланиш ҳолатига тўғри келади. Кўпгина ҳолатларда (тахминан 98%) уч шоҳли нервнинг невралгиясини ривожланишига сабаб бўлиб унинг миё ўзагидан чиққан жойидан яқин соҳада атипик жойлашган кон томири (одатда юкориги миёча артерияси тутами) билан босилиш ҳисобига

пульсацияланувчи компрессия жойида нерв толаларининг демиелинизациясини ривожланиш кўрсатилади. Бирок демиелинизация ривожланиш учун генетик мойиллик, миелин алмашинувининг ирсий хусусиятлари катта аҳамиятга эга. 2% ҳолатларда уч шохли нервнинг невралгияси тарқоқ склероз билан касалланган беморларда локал демиелинизация оқибатида ривожланади, бирок оғриқнинг юзага келиши учун нейроваскуляр конфликт бўлиши ҳам зарурдир. Уч шохли нервнинг икки томонлама невралгияси билан касалланган беморларни 20% да тарқоқ склероз аниқланади.

Оғриқ бир неча секунд давомида сақланиб, лекин оғриқ хуружлари сутка давомида кўп марта қайталаниши мумкин. Уч шохли нервнинг шохчаларини чиқиш нуқталарини босилганда оғриқнинг юзага келиши диагностик аҳамиятга эга.

Уч шохли нервнинг невралгиясини консерватив даволашда асосий дори препарати сифатида карбамазепин ҳисобланади. Карбамазепин кунига 3-4 маҳал 600-800-1200 мг суткалик дозада берилади. Карбамазепин 70% ҳолатларда оғриқни анча пасайиши ёки йўқолишига олиб келади. Карбамазепиннинг таъсир механизми кўзгалиш ўчогидаги нейронларнинг “гутканокка тайёргарлик” бўсағасининг ошириши билан боғлиқ. Карбамазепин самара бермаганда айрим вақтларда габапентин ёрдам бериши мумкин. Шунингдек уч шохли нервнинг невралгиясида баклофенни қўллаш мумкин. Уч шохли нервнинг невралгиясининг энг самарали ва патогноматик ўзини оқлаган усул бу уч шохли нерв илдизини микроваскуляр декомпрессия операцияси ҳисобланади. Операция наркоз остида ўтказилади. Энга суяги коваригининг катта бўлмаган трепанацияси бажарилиб, мияча бироз пастга ва медиал силжитилиб уч шохли нерв ва унинг босувчи қон томири аниқланилади. Қон томири микропрепаровка йўли билан нервдан узоклаштирилади ва улар орасига “нейропротектор” – тефлон пахта бўлаги ёки латекс ўрнатади. Беморларда оғриқни тўхтатиш операциядан кейин бирданига ёки бир неча кун ўтгач кузатилади. Операцияга беморнинг соматик аъзолари томонидан қарши кўрсатма бўлганда уч шохли нерв илдизини – нуқтали бир мартали ўчоқли доза 90 гр нурланиш – радиохирургия самаралидир. Уч шохли нервнинг невралгиясини бошиқа даволаш усуллари яъни “блокада” ёки уч шохли нерв

шоҳчаларини алкоголизацияси, Гассеров тугунини деструкцияси ва бошқалар ҳозир кўп ҳолларда тарихий характерга эга. Ҳозирги кунда деструктив операциялар айрим ҳолатларда микроваскуляр декомпрессия самара бермаганда қўлланилади, бироқ деструктив операциялардан кўра бош миёна пўстлоғи ҳаракат зонасини сурункали стимуляцияси самаралироқ даволаш усули ҳисобланади.

Миёна қутиси асоси ўсмаларида жуда кам ҳолатларда уч шоҳли нервнинг невралгияси кузатилади. Ўсма олиб ташлангандан кейин одатда оғриқ тўхтабди.

Бошқа калла миёна нервларининг невралгияси. Учраши бўйича: уч шоҳли нервнинг невралгиясидан кейинги ўринда тил халқум нервининг невралгияси анча кам учрайди. Тил халқум нервининг невралгиясини ривожланишида демиелинизация жараёнининг қон томир компрессияси билан қўшилиб келиш омили асос бўлади. Даволаш жарроҳлик усулида: микроваскуляр декомпрессия *Расм. 4,5.*

СПАСТИКЛИК

“Пирамид” характерда мушаклар тонусининг ошиши асосида альфа – матонейронларнинг гиперфаоллигига олиб келувчи улар фаолиятини ингибирловчи таъсирини камайиши бўлиб ҳисобланади.

Клиник текширишларда қўл-оёқларда пассив ҳаракатларга қаршиликнинг ошиши ва бир вақтнинг ўзиде агонист ҳамда антогонист мушакларнинг қисқариши, клонус даражасигача чуқур рефлексларнинг кучайиши аниқланилади. Мушаклар тонусини узок вақт давлмида баланд бўлиши патологик тана ҳолатларини, қўл-оёқларнинг контрактура ва деформацияларини шаклланишига олиб келади.

Кўпинча спазмлашган мушакларда оғриқ кузатилиб сийдик ва аҳлатни тута олмаслик бўлиши мумкин. Оғир ҳолатларда бемор ҳаракатсиз ҳолатга келиб қолиб, ётоқ яралар ривожланиши мумкин.

